



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2021 года «22» сентября

50-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

Хизмат сафарига юбориш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 21/1-1742-сонли топшириғи ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг Молия, иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича мажмуасининг 2021 йил 18 августдаги 02-1077-сонли мурожаатини инобатга олиб,

1. Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси бош мутахассиси Д.Нуритдинов ва Яккасарой туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудирини С.Хусаиновлар 2021 йил 4-9 август кунлари Самарқанд вилоятига хизмат сафарига юборилганлиги инобатга олинсин.

2. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар ҳақиқатда амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига 2021 йил учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида қоплаб берилсин.

3. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

маҳаллий бюджет параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

хизмат сафари билан боғлиқ ҳақиқатда амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хулоса киритишни таъминласин.

5. Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси (О.Яминов):

ажратилган маблағларни мақсадли сарфланишини таъминласин.

6. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими



ARTIKXODJAYEV J. A.